Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1938 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 41 (8281). | 24 февраль, 1984 йил ● | ЖУМА ● | Баҳоси 3 тийин.

# ВАТАНГА КЎПРОҚ РАНГЛИ МЕТАЛЛ БЕРАЙЛИК

ОЛМАЛИҚ. (Тошкент области), 23 февраль (ЎзТАГ). В. И. Ленин номли Олмалиқ кон металлургия комбинати партия — хўжалик активининг бугун бўлиб ўтган йиғилишида корхона коллективининг КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь ва 1984 йил февраль Пленумлари қарорларини бажариш соҳасидаги вазифалари муҳокама қилинди.

СССР Қора металлургия министри П. Ф. Ломаконинг докладида, корхона ходимларининг ҳамда унга хизмат қилувчи қурилиш монтаж ва транспорт ташкилотлари ходимларининг нутқларида уқтириб ўтилишича, комбинатда рангли металлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, кадрларнинг топширилган иш учун масъулиятини ошириш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, меҳнаткашларнинг маданий-маиший шароитларини яхшилаш соҳасида муайян иш қилинмоқда. 1983 йилда товар маҳсулот ишлаб чиқариш, уни реализация қилиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш плани бажарилди. Кадрларнинг қўнимсизлиги камая бошлади, интизом мустаҳкамланмоқда: бир йил мобайнида иш вақтининг зое ўтиши учдан бир ҳиссадан зиёд камайди.

Комбинатни реконструкция қилиш ва кенгайтириш учун беш йиллик мобайнида сарфланган катта капитал маблағ кончилик корхоналари, мис бойитиш фабрикаси, рух заводи ва мисни катанка қилиш цехи қувватларини ошириш имконини берди. Янги технология жараёнлари жорий қилинди, қудратли юксак даражада самарали асбоб- ускуналар ўзлаштирилмоқда.

Социал-маданий - маиший объектлар қуришнинг катта программаси рўёбга чиқарилмоқда. Уйсозлик комбинати ишга туширилди, металлурглар билан кончилар 115 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жой, янги мактаблар ва болалар боғчалари, поликлиника олдилар.

Шу билан бирга Олмалиқ кон- металлургия комбинатини ривожлантириш ва қайта қуриш суръатлари ҳали етарли эмаслиги уқтириб ўтилди. Янги қувватлар ҳозирча кўнгилдагидек самара бераётгани йўқ. Комбинатнинг бир қанча бўлинмалари план ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминламаяпти. Қалмоққир руда кони, мис-бойитиш фабрикаси, мис эритиш заводи қолоқлар қаторига тушиб қолди. Бу ерда меҳнатни ташкил этишнинг бригада усуллари суст жорий этилмоқда, меҳнат коллективлари тўғрисидаги қонун бериб қўйган имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланилмаяпти, мусобақа яхши ташкил этилмаган.

Капитал қурилишда ҳам катта камчиликлар бор. Олтинтопган ва Уч қулоч руда конларидаги, мис эритиш заводидаги қувватлар ўз вақтида ишга туширилмади, бошқа ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектлар қурилиши орқада қолмоқда.

Йиғилишда қабул этилган резолюция комбинатнинг партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари, қурувчилар ва монтажчиларнинг бутун куч-ғайратини меҳнат коллективларидаги ташкилотчилик ва сиёсий- тарбиявий ишни яхшилашга қаратишга, юксак уюшқоқлик ва интизомни таъминлашга, камчиликларни тезроқ бартараф этишга эришишга ва шу асосда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, ҳар бир ишлаб чиқариш бўғинининг барқарор ишлашини таъминлашга чақиради.

Йиғилиш қатнашчилари ишлаб чиқариш резервларидан кенг фойдаланиш асосида 1984 йилги Давлат плани ва социалистик мажбуриятлар ҳамда умуман беш йиллик план сўзсиз бажарилади, деб ишонч билдирдилар. Олмалиқ металлурглари ва кончилари Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб оладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

## САЙЛОВОЛДИ МЕҲНАТ ВАХТАСИДА



● Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор чеварлари мавжуд резервлардан тўла фойдаланиш орқали Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейига қадар беш йиллик планларини бажариш ҳаракатига қўшилдилар. Суратда: ана шу ҳаракат иштирокчиларидан (чапдан) Г. Имонқулова ва Н. Рустамова. Улар ҳозир 1985 йил ҳисобига маҳсулот топширишаяпти.



● Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг бир қатор ишлаб чиқариш илғорлари СССР Олий Советига сайловлар ўтказиладиган кунга қадар пландан ташқари ўнлаб тонна қўшимча металл эритиб беришга аҳд қилдилар. Мис эритувчи А. Севидов шулар жумласидандир. Ҳозирги кунда у смена топшириқларини 120 процентга етказиб бажараяпти.

А. Тўраев фотолари.

КЎКЛАМ ТАРАДДУДИ

## ГРАФИКДАН ЎЗИБ

Бекобод районидаги хўжаликларда 28 та ихтисослашган бригада тузилган бўлиб, улар маҳаллий ўғитни тез суръатлар билан тайёрламоқда. Ҳозиргача 200 минг тоннадан зиёд шундай ўғит ғамлаб қўйилди. Ўғит тайёрлаш графигидан анча ошиб кетилмоқда.

Район қишлоқ меҳнатчилари бу йил одатдагидан анча барвақт экиш агрегатларини шай қилиб қўйдилар. Барча сеялкалар, культиваторлар ва бошқа механизмларнинг ремонтига «яхши» ва «аъло» баҳо берилди.

Бу йил район хўжаликларида коллектив пудрат асосида ишловчи 275 та бригада ташкил қилинди. Бу бригадалар пахта ҳосилдорлигини янада оширишга эришишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

# МАМЛАКАТ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

### Сайловчиларнинг В. И. ВОРОТНИКОВ билан учрашуви

22 февраль куни Воронеж область Россошан сайлов округи сайловчиларининг СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, РСФСР Министрлар Советининг Раиси Виталий Иванович Воротников билан учрашуви бўлиб ўтди.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили — ССР Иттифоқи 60 йиллиги номли Россошан химия заводининг цех бошлиғи Ю. И. Забоев В. И. Воротниковнинг ҳаёт йўлини гапириб берди. сайловчиларни коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун якдиллик билан овоз беришга чақирди.

Сўзга чиққан кишилар КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари февраль Пленуми партиянинг бундан буён ҳам ленинча тинчлик ва бунёдкорлик йўлидан бораверишга азму қарор берганлигини яна бир бор яққол намойиш этганлигини мамнуният билан уқтириб ўтишди.

В. И. Воротниковга сўз берилади. Йиғилиш қатнашчилари самимий кутиб олган В. И. Воротников СССР Олий Советига ўз номзодини кўрсатган Россошан сайлов округининг барча коллективларига, меҳнаткашларига самимий ташаккур изҳор қилди.

Яқинда совет кишилари КПСС ва Совет давлатининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби Юрий Владимирович Андроповнинг вафоти муносабати билан қайғули кунларни бошидан кечирди. Ҳамиша бўлганидек, синов даврларида ҳам халқимиз ўз жанговар авангарди — Коммунистик партияга умид кўзи билан қарайди. КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленуми коммунистларнинг, социалистик давлат барча гражданларининг хохиш-иродасини ифодалаб, КПСС XXVI съезди, Марказий Комитетнинг кейинги Пленумлари йўлини қатъият билан давом эттириш аҳдини изҳор қилди.

Ўртоқ Константин Устинович Черненко КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари лавозимига бир овоздан сайланганлиги ёппасига маъқулланди. Бой амалий ва ҳаётий тажриба соҳиби бўлмиш ўртоқ К. У. Черненко партиямизда ва мамлакатда истеъдодли ташкилотчи ва сиёсий раҳбар сифатида, партиямиз ғояларининг эҳтиросли тарғиботчиси, унинг сиёсатини турмушга тадбиқ этиш учун собитқадам курашчи сифатида, сезгир ва меҳрибон инсон сифатида маълум. Жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатида, тараққийпарвар жамоатчилик доираларида унинг изчил интернационалист, Совет Иттифоқининг тинчлик ва социализм позицияларини мустаҳкамлаш соҳасидаги кўпгина халқаро ташаббусларини ишлаб чиқишнинг актив қатнашчиси эканлигини биладилар.

Аввалги сайловдан кейинги ўтган беш йил, деб давом этди депутатликка номзод, КПСС XXV ва XXVI съездлари қарорларини амалга ошириш соҳасида саботли иш йиллари, мамлакат халқ хўжалигини янада юксалтириш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, одамларнинг маданиятини ва фаровонлигини ўстириш йиллари бўлди.

Шу беш йил ичида бутун мамлакат билан бирга, барча қардош республикалар билан бирга Россия Федерацияси ҳам олға томон янги қадам қўйди.

Бутун мамлакатда бўлгани каби республикада ҳам ишлаб чиқаришни ўстириш асосида социал тадбирларнинг кенг программаси амалга оширилди. Совет кишилари ижтимоий истеъмол фондларидан оладиган неъматлар ҳажми йил сайин ошиб бормоқда.

Биз эришилган ютуқларни муносиб баҳолаш билан бирга ҳали тўла-тўкис мамнуният билдира олмаймиз, деди сўзини давом эттириб нотиқ. Ишлаб чиқариш самарадорлигини анча ошириш хўжалик механизмини, планлаштиришни, экономикани бошқариш усулларини такомиллаштириш лозим. Айрим маҳсулотларнинг сифати ҳали ҳам паст, кўч жойларда халқ мулки тежаб-тергаб сарфланмаяпти, корхоналарнинг анчагина қисми шартномавий мажбуриятларни бажармаяпти. Капитал қурилишдаги аҳвол бизни ҳозирча қаноатлантирмайди. Транспорт ишида талайгина узилишлар бўлиб турибди.

Шу камчиликларни тугатишнинг, экономика ва маданиятни, халқ фаровонлигини янада юксалтиришнинг битта йўли бор, бу йўлни партия аниқ кўрсатиб берди. Бу йўл ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини сабот билан оширишдан, уни ҳар томонлама интенсивлашдан, ривожланган социализмнинг барча жиҳатларини узлуксиз такомиллаштиришдан иборат.

Лениннинг социализм «Олий меҳнат унумдорлиги сари онгли ва оммавий ҳаракатни талаб қилади» деган қоидаси биз учун йўлчи юлдуз бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Меҳнат унумдорлигини бутун чоралар билан ошириш ва иш сифатини яхшилаш—ҳозирги босқичдаги марказий вазифадир, партия бутун иқтисодий стратегиясининг ўзагидир.

Кейинги вақтларда мамлакатда тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришдаги иш вақтининг нобуд бўлишини тугатиш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, меҳнат интизомини бузувчиларга таъсирни кучайтириш юзасидан муҳим чоралар кўрилди. Бутун халқ маъқуллаган бу чоралар иқтисодий кўрсаткичларга ижобий таъсир қилибгина қолмай, шу билан бирга жамиятнинг маънавий соғломлигини мустаҳкамлашга ҳам кўмак берди. Бу масалаларга эътиборни сусайтирмаслик муҳимдир.

Озиқ-овқат программасини амалга ошириш партиянинг иқтисодий стратегиясида энг муҳим ўринларнинг бирини олади. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш проблемасини тўла-тўкис ҳал этиш — ижтимоий ишлаб чиқаришнинг муҳим мақсадидир. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техникавий базасини ва бутун агросаноат комплексини мустаҳкамлаш тадбирлари кўрилмоқда, деҳқончиликдаги ҳосилдорликни ва чорвачиликдаги маҳсулдорликни ошириш соҳасида катта ишлар олиб борилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўн иккинчи беш йиллик план ҳамда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 2000 йилгача мўлжалланган асосий йўналишлари составида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва аҳолига хизмат қилиш системасини ривожлантиришнинг комплекс программасини ишлаб чиқиш зарур, деб топди. Ҳозир РСФСРнинг ҳар бир автоном республикаси, ўлкаси, областида, министрликлар ва идораларда шу программани тайёрлаш борасида қизғин иш олиб борилмоқда. Бу программани амалга ошириш «Б» группа тармоқларининггина эмас, шу билан бирга оғир саноат тармоқларининг ҳам ишидир.

Комплекс программада аҳолига маиший хизмат кўрсатишга муҳим ўрин берилади. Кўп йиллар мобайнида орқада қолиб келган маиший хизмат кейинги вақтларда тез ривож топди. Аммо хизмат ҳажми ва энг муҳими, сифати ҳамон аҳолининг талабларини қондирмаяпти. Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси яқинда қарор қабул қилиб, Россия Федерацияси ҳукуматининг таклифини қўллаб-қувватлади. Саккизта область, ўлка, автоном республикаларда аҳолининг хизматларга бўлган эҳтиёжларини янада тўла-тўкис қондиришга қаратилган иқтисодий эксперимент бошланди.

Шу кунларда бутун мамлакатда КПСС Марказий Комитетининг умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш тўғрисидаги лойиҳаси муҳокама этилмоқда. Бу ислоҳот оғизда эмас, балки амалда меҳнат мактабини вужудга келтириш, шу мактабдаги ўқувчилар билимларини ҳам, меҳнат кўникмаларини ҳам яхшироқ эгаллаб оладиган бўлиши, ўзларининг қайси касбга қизиқишларини ва қобилиятларини аниқлаб олишлари ва мустаҳкамлашлари, энг муҳими эса ҳар томонлама баркамол бўлиб етишишлари, ғоявий ва ахлоқий жиҳатдан камол топишлари лозим.

Умумий таълим ва ҳунар-техника мактабини ислоҳ қилиш бевосита олий мактабга ҳам дахлдордир. Олий ўқув юртларига билим даражаси юқори бўлган, касб-кор жиҳатидан яхши тайёрланган ёшлар келади.

В. И. Воротников мураккаб халқаро вазиятни таърифлаб берди, партиямиз билан совет давлатимизнинг урушга йўл қўймаслик соҳасидаги кураши ҳақида гапирди.

Депутатликка номзод сўзининг охирида Воронеж областининг меҳнаткашлари коммунистик партия белгилаб берган улуғвор вазифаларни бажаришга муносиб ҳисса қўшадилар, бунёдкорлик планларини бажариш учун, севикли ватаннинг қудратини мустаҳкамлаш учун курашчиларнинг биринчи сафларида борадилар, деб ишонч билдирди.

(ТАСС).

Тошкент—Жиззах—Иваново

# МУСОБАҚА ДАВОМ ЭТАДИ

Мусобақадош Тошкент — Жиззах — Иваново областлари халқ хўжалиги айрим тармоқларининг 1984 йил январь ойидаги асосий иш кўрсаткичлари

| | Тошкент | Жиззах | Иваново |
|---|---|---|---|
| **САНОАТ** | | | |
| Ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари — процент ҳисобида | 106,9 | 105,6 | 103,2 |
| Реализация планининг бажарилиш проценти | 101,1 | 102,8 | 101,4 |
| Пландан ташқари реализация қилинган маҳсулот — миллион сўмлик | 6,5 | 0,9 | 9,0 |
| Маҳсулот реализацияси бўйича планни бажармаган корхоналар сони | 14 | 4 | 59 |
| Корхоналар умумий сонига нисбатан процент ҳисобида | 3,4 | 6,0 | 19,8 |
| Саноат ишлаб чиқариш ходимлари сонининг ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўзгариши — процент ҳисобида | 101,2 | 107,7 | 97,8 |
| Меҳнат унумдорлиги планининг бажарилиш проценти | 101,5 | 107,2 | 100,5 |
| Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари — процент ҳисобида | 105,6 | 98,1 | 105,4 |
| Меҳнат унумдорлиги бўйича планни бажармаган корхоналар сони | 39 | 9 | 67 |
| Корхоналар умумий сонига нисбатан процент ҳисобида | 9,6 | 14,7 | 22,5 |
| Барча турдаги калава ишлаб чиқариш—минг тонна | 1,3 | 0,1 | 28 |
| Калава ишлаб чиқариш планининг бажарилиш проценти | 98,1 | 81,2 | 99,3 |
| Барча турдаги газламалар ишлаб чиқариш — миллион погон метр | 17,0 | — | 193,4 |
| Газламалар ишлаб чиқариш планининг бажарилиш проценти | 94,0 | — | 97,1 |
| **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ** | | | |
| Барча категориядаги хўжаликларда асосий чорвачилик маҳсулотларини харид қилиш биринчи квартал планининг бажарилиш проценти, пландан ташқари харид қилинганлари ҳам ҳисобга киради | | | |
| Чорва ва парранда | 52,7 | 82,6 | 42 |
| Сут | 32,2 | 38,3 | 32 |
| Тухум | 39,2 | 31,0 | 37 |
| 1984 йилнинг январида колхозлар ва совхозларда чорва маҳсулотлари етиштириш ва чорванинг маҳсулдорлиги | | | |
| Чорва ва парранда асосий турларини сўйиш учун топшириш | | | |
| 1984 йил январида 1983 йил январидагига нисбатан процент ҳисобида | 104,8 | 99,2 | 137 |
| Ялпи соғиб олинган сут (шартномалар асосида аҳолидан қабул қилингани ҳам ҳисобга киради) | | | |
| 1984 йил январида 1983 йил январидагига нисбатан процент ҳисобида | 108,5 | 104 | 104 |
| Товуқ тухуми етиштириш | | | |
| 1984 йил январида 1983 йил январидагига нисбатан процент ҳисобида | 102,8 | 85 | 110 |
| Ҳар бир соғин сигирдан соғиб олинган ўртача сут миқдори | | | |
| 1984 йил январида 1983 йил январидагига нисбатан процент ҳисобида | 100,4 | 98 | 103 |
| Ҳар бир товуқдан олинган тухум миқдори | | | |
| 1984 йил январида 1983 йил январидагига нисбатан процент ҳисобида | 107,6 | — | 111 |
| **САВДО** | | | |
| Давлат ва кооператив савдо товар обороти планининг бажарилиш проценти (умумий овқатланиш ҳам ҳисобга киради) | 101,3 | 100,6 | 101,0 |
| Шу жумладан чакана тармоқ товар обороти | 101,3 | 100,6 | 101,3 |
| Умумий овқатланиш товар обороти | 101,0 | 100,0 | 98,1 |
| **АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ** | | | |
| Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми планининг бажарилиши — процент ҳисобида | 100,1 | 100,0 | 99,0 |
| Шу жумладан шаҳарларда, | 101,8 | 104,1 | 99,2 |
| қишлоқларда | 98,5 | 98,1 | 98,0 |

# МУҲИМ ВАЗИФАЛАР —ЮКСАК БУРЧ

### Сайловчиларнинг В. В. КУЗНЕЦОВ билан учрашуви

22 февраль куни Волгоградда Волгоград сайлов округи сайловчиларининг шу округдан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод —КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари Василий Васильевич Кузнецов билан учрашуви бўлди.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили — Волгоград трактор заводи йиғувчи слесарларининг бригадири Г. В. Букаев В. В. Кузнецовнинг ҳаёт йўли тўғрисида сўзлаб берди ҳамда сайловчиларни сайлов куни коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун якдил бўлиб овоз беришга даъват этди.

Йиғилишдаги нутқларда таъкидлаб ўтилганидек, Волгоград сайлов округининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети навбатдан ташқари Пленумининг совет кишиларини коммунистик қурилиш вазифаларини бажаришга сафарбар этувчи қарорларини якдиллик билан маъқулламоқдалар.

Сайловчилар самимий кутиб олган В. В. Кузнецов нутқ сўзлади. У юксак шараф — СССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатганликлари учун меҳнаткашларнинг барча коллективларига сидқидилдан миннатдорчилик ва ташаккур туйғуларини изҳор этди.

Депутатликка номзод сўзини давом эттириб қуйидагиларни айтди: ўзининг бутун ҳаётини меҳнаткашлар манфаатларига, коммунизм қурилишига хизмат қилишга батамом бағишлаган Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби Юрий Владимирович Андропов билан видолашган қайғули кунлар ҳаммамизнинг қалбимизда ва ёдимиздадир. Аммо оғир синовлар даврида, тарихнинг оғир марраларида ҳамиша бўлганидек, партиянинг метиндек жипслиги, унинг халқ билан мустаҳкам бирлиги яна яққол намоён бўлди.

Навбатдан ташқари февраль Пленуми Коммунистик партия ва давлатнинг атоқли арбоби, истеъдодли ташкилотчи, партия улуғ идеалларини амалга ошириш учун Ленин типидаги букилмас принципиал курашчи ўртоқ Константин Устинович Черненкони якдиллик ва жипслик вазиятида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари этиб сайлади.

Коммунистлар, барча совет кишилари Пленумнинг бу қарорини қизғин қўллаб-қувватладилар.

Бизнинг партиямиз, деб уқтирди В. В. Кузнецов, сайловни илмий асосланган, барча совет кишиларига тушунарли ва яқин бўлган сиёсий платформа билан кутиб олмоқда. Партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги пленумларининг қарорлари ана шу платформанинг мужассам ифодасидир. Бу қарорлар мамлакат экономикасини юксак самарали ривожланиш йўлига тезроқ ўтказишни таъминлашга, бошқариш форма ва методларини такомиллаштириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, давлат ҳаёти ва ижтимоий ҳаётнинг барча бўғинларида уюшқоқлик, интизом, тартибни мустаҳкамлашга, идеологик, сиёсий-тарбиявий ишлар савиясини оширишга қаратилган. Буларнинг жами КПСС XXVI съезди қарорларини, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини амалга оширишнинг масъулиятли босқичида ривожланган социализмни такомиллаштириш эҳтиёжларини тўла даражада акс эттирувчи ягона бош йўлдан иборатдир.

Сўнгра нутқда ўтган йиллар мобайнида мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий якунлари тўғрисида гапирилди.

Партиямиз нимаики қилаётган бўлса, инсон учун ва инсоннинг бахт-саодати учун, совет кишиларининг моддий ва маънавий турмуш даражасини ошириш учун қилмоқда. Ўтган йилларда халқ фаровонлиги муттасил ўсди, совет гражданларининг ҳуқуқ ва эркинликлари тобора чуқур ҳамда реал мазмун билан бойиб борди.

В. В. Кузнецов халқ депутатлари Советларининг ривожланган социализмни такомиллаштириш борасидаги вазифаларни ҳал этишдаги ролига тўхталиб ўтди. Советлар, деди у, партия органлари раҳбарлигида 1984 йилги планни бажариш, Энергетика ва Озиқ-овқат программаларини рўёбга чиқариш, комплекс иқтисодий ва социал ривожланишни таъминлаш, барча иш участкаларида уюшқоқлик, интизом, тартибни кучайтириш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини ошириш, уй-жой қурилишини, аҳолига социал-маданий ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш учун сабот билан кураш олиб бормоқдалар. Советлар сессияларининг аҳамияти ошди, доимий комиссияларнинг активлиги кучайди, уларнинг ишида ошкорликка кўпроқ амал қилинадиган бўлиб қолди.

Сайлов кампанияси, деди пировардида В. В. Кузнецов, омманинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратига зўр куч бахш этмоқда. Бу кампания 1984 йилги иқтисодий ва социал ривожланиш планларини ҳамда умуман беш йилликни муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани янада юксалтиришга кўмаклашмоқда. Совет кишилари советлар мамлакатининг иқтисодий ва мудофаа қудрати янада мустаҳкамланишини таъминлашга астойдил интилишни ўзларининг мажбуриятигина эмас, шу билан бирга юксак ватанпарварлик бурчи ҳам деб билмоқдалар.

(ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

## КЎТАРИНКИ РУҲДА

Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти байрами арафасида Олмалиқ шаҳридаги металлурглар маданият саройи залида Бўка сайлов округи сайловчиларининг СССР Олий Совети депутатлигига номзод, СССР транспорт қурилиши министри И. Д. Соснов билан учрашуви бўлиб ўтди. Иван Дмитриевич Сосновнинг ҳаёт йўли ҳақида ишончли вакил «Узбекметаллургстрой» трести партия комитетининг секретари Э. М. Рисқиев ҳикоя қилиб берди.

Йиғилишда Бекобод районидаги «Победа» колхози раиси ўринбосари П. Рисбоев, Олмалиқ химия заводи электромонтёри И. В. Потуремская, Пискент пахта тозалаш заводи мастери С. Ҳакимова, Олмалиқ шаҳридаги 14-мактаб директори П. И. Дудкин, Бўка районидаги «Ленинизм» колхози пахтачилик бригадаси бошлиғи Г. Ўлмасовлар сўзга чиқдилар. Улар сайловларга тайёргарлик юксак сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги руҳида ўтаётганлиги ҳақида гапириб, меҳнаткашлар КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари февраль Пленуми қарорларини якдиллик билан маъқуллаб, Коммунистик партиямиз ва унинг ленинча Марказий Комитетининг ички ва ташқи сиёсатини қўллаб- қувватлаётганликларини алоҳида таъкидладилар.

Йиғилиш қатнашчилари депутатликка номзодга ўз наказларини бердилар.

Учрашув ниҳоясида Д. И. Соснов ўзига билдирилган ишонч учун самимий миннатдорчилик билдирди ҳамда бу катта ишончни оқлаш учун ўз кучини, тажрибаси ва билимини ишга солишини айтди.



*СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар*

## УНИНГ ТАКЛИФИ БИЛАН

Ерлардан аллақачон ҳовур кўтарилган, кенг далаларда кўклам шабадаси эсиб турибди. Бундай кезларда олам бошқача нафас олаётгандек бўлади. Деҳқонни айтмайсизми, у уйига сиғмай қолади. Орзу-умидлар, яратувчилик кайфияти қалбига тинчлик бермайди.

Ўтган йилнинг ана шундай кунларидан бири эди. Владимир Дюгай эрта саҳардан далага отланиб, карталарни айланди. Бир сиқим тупроқни кафти орасига олиб уқалаб кўрди. Сўнг сочиб юборди... «Ерда нам кам, — ҳаёлдан ўтказди у.— Баҳор анча қуруқ келди».

Бугун агротехника Советининг йиғилиши бўлади. Баҳорги чигит экиш масаласи муҳокама қилинади. Шунинг учун ҳам у дала айланиб фикрларини жамлаётган эди. У ҳозиргига ўхшаш об-ҳаво бўлган йилларни эслади.

Йиғилишда ҳар ким ҳар хил фикр айтди. Владимирнинг ҳам ўз мулоҳазалари бор эди.

— Ҳаммаларингиз биласиз, агар чигит сувини берсак, ташвишимиз ҳам ортади, яъни бегона ўтлар кўпайиб, шоширади. Ер қотади. Қўшимча ишлов беришга тўғри келади. Бунинг устига ғўзанинг ривожи 10—15 кунга кечикади. Натижада эртаки пахта етиштириш ва уни вақтида йиғиб олиш қийинлашади. Демак, қандай қилиб бўлмасин чигитни ернинг табиий намига ундириб олишимиз керак. Агротехника қоидаси бўйича,— деди у сўзини давом эттириб,—уруғ 3—3,5 сантиметр чуқурликда экилиши керак. Бу маълум нарса. Мен бу йилги шароитни ҳисобга олиб тўрт сантиметр чуқурликда экишни таклиф этаман. Шунда чигит ернинг намига чиқади.

Владимир Дюгайнинг бу таклифи кўпчиликка маъқул бўлди.

Чигитлар ердан ниш уриб чиқа бошлагач, Владимир Дюгай одати бўйича кўпроқ вақтини далада ўтказади. Бригада аъзолари билан ҳар қарич ерни кузатиб боради. Қаерда чигит унмай қолса, шу ерга тезда қўлда чигит экилади ва қаторларнинг ҳар метрида 10—13 тадан, гектарида 120—130 минг тупдан кўчат сақлаб қолишга эришилади.

Ўтган йил ниҳоллар авжи ривожга кирганда ҳарорат паст келди. Баҳор чўзилди. Шунда бригада аъзолари агротехник тадбирларни юксак даражада ўтказишга ҳаракат қилдилар. Культивацияни сифатли ўтказиб, тупроқ қиздирилди, юмшатилди. Экин илдизларининг ривожланишига яхши шароит яратилди. Маҳаллий ўғитдан кўпроқ фойдаланилди. Бригада аъзолари ҳар бир туп ғўза атрофида парвона бўлдилар.

Катта қийинчиликлар билан ҳосил етиштирилди. Энди гал не-не машаққатлар билан бунёд этилган «оқ олтин»нинг бир мисқолини ҳам қўймай йиғиб-териб олишга келди. Бригада аъзолари мавсумга пухта тайёргарлик кўрдилар. Дефолиация вақтида ўтказилди. Терим машиналари бошқа бригадаларга қараганда илгарироқ далага чиқарилди. Кундан-кун суръат кучайиб борди.

Ўша кунларда ҳамманинг диққат-эътибори ҳосилни тез ва соз йиғиб олишга қаратилган эди. Шубҳасиз, бундай долзарб кунларда ҳар бир бригадада иссиқ овқат тайёрланиши зарур. Кунларнинг бирида бригада ошпази эрталаб масаллиқ олгани кетиб, кеч қайтди. Шу куни тушлик овқат кечикди. Бир қараганда ошпазга ҳам осон тутиб бўлмайди, гоҳ у нарса етишмайди, гоҳ магазинга нон келмай қолади, қидиради, яна ўтин-кўмир дегандек... Баъзан колхознинг омбор мудирини қидириб, соатлаб вақтни йўқотади. Бригадир бу аҳволни кузатиб юрарди. У ишни осонлаштириш, ихчамлаштиришни ўйлаб колхоз правлениесига таклиф билан кирди:

— Иссиқ овқат тайёрлашни марказлаштирсак,— деди қатъият билан. Ўндан ортиқ киши ошпазликдан озод бўлиб, далага чиқади. Қолаверса, энг яхши ошпаз марказлашган ошхонага жалб этилади ва овқатнинг сифати ҳам яхшиланади. Овқат пешинда бир машинада термосларга солиниб дала шийпонларига ўз вақтида етказиб берилади.

Таклиф амалга оширилди.

Владимир Дюгай Ғалаба районидаги «Победа» колхозининг тажрибакор, кенг мушоҳадали деҳқонларидан. У фақат ўз бригадасининггина эмас, хўжалик манфаатини ўйлаб иш кўради.

Колхоз ҳар йили областда ва республикада биринчилардан бўлиб пахта планини шараф билан адо этишга муваффақ бўлмоқда. Бу зафарларда, шубҳасиз, Владимир Дюгай бошлиқ бригада аъзоларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор.

СССР Олий Совети депутатлигига номзоди кўрсатилган Владимир Дюгай иш фаолиятини 1956 йил мактабни тугатгач оддий колхозчиликдан бошлади. Колхознинг тўртинчи бригадасида 1970 йилдан 1973 йилгача ҳосилдорлик паст бўлди. Бир неча марта бригада бошлиғи алмаштирилди. Лекин, ўзгариш бўлмади. 1973 йили Владимир Дюгай бошлиқ этиб тайинланди. Янги бригадир ишни янгичасига ташкил этди. Илғорлар тажрибасига суянди. Одамларнинг қалбига йўл топиб уларнинг кайфиятини кўтарди. Агротехникага оид ҳар бир тадбирни бамаслаҳат амалга оширди. Натижада ишлар юришиб кетди. Ҳосилдорлик йил сайин кўтарилди. Ўтган йилги оғир шароитда ҳам улар ҳар гектар ердан 44 центнердан ҳосил кўтаришга эришдилар.

Биз Владимир Дюгай билан учрашиб, суҳбатлашдик.

— Пахтани «оқ олтин» дейишади. Демак, олтин билан шуғулланар эканмиз, заргарга ўхшаб ўта маҳорат билан иш кўришимиз лозим, — деди у.— Деҳқон шароитга қараб билимини, тажрибасини ишга солиши керак. Ҳосил заминини куздан бошлаб мустаҳкамлаб борган деҳқон ютади. Баҳорги экиш мавсумига ҳамма нарса тайёр. Биз эртаки пахта етиштиришга ҳаракат қиламиз.

Биз бу йил КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь Пленуми қарорларини изчил амалга ошириб, меҳнат унумдорлигини планда кўрсатилганидан камида бир процент, пахтанинг таннархини ярим процентга арзонлаштиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бунинг учун техникадан самарали фойдаланиш, ортиқча харажатларни камайтириш ҳисобига 3—4 минг сўм фойда олишни кўзлаганмиз.

Биринчи ва иккинчи даражали Меҳнат Шуҳрати орденлари кавалери Владимир Дюгай бошлиқ коллектив ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилида зўр марраларни мўлжаллаб, ҳар гектар ердан камида 50 центнердан «оқ олтин» ундиришга, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга азму қарор қилишган.

**Б. ПУЛАТОВ.**

*КОМСОМОЛ ҲАЁТИ*

### ТАЖРИБА ОММАЛАШМОҚДА

ТОШКЕНТ. Ш. Р. Рашидов номидаги Тошкент тўқимачилик комбинати комсомол ташкилотлари мажлисларида ёшларнинг КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил) Пленуми қарорларини бажариш борасидаги вазифалари белгиланди. Жумладан, биринчи ип йигирув фабрикаси комсомол ташкилотининг йиғилиши комсомол сиёсий маорифи системасида Пленум материалларини чуқур ўрганишга бағишланди. Унда Р. Тўрахонов, Ю. Исмоилов, Р. Самарбеков, Т. Гришина каби пропагандистларнинг бу соҳада олиб бораётган ишларига ижобий баҳо берилиб, улар ҳар бир комсомол-ёшнинг сиёсий онги ва меҳнат активлигини оширишга салмоқли ҳисса қўшаётганлиги қайд этилди.

Комбинатда бу моҳир пропагандистларнинг иш тажрибаси кенг оммалаштирилмоқда.

### МЕҲНАТ СЕМЕСТРИ ҒОЛИБЛАРИ

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг физика факультети студентлари ўтган йили ёзда Тюмень ва Тошкент области қурилиш объектларида фидокорона меҳнат қилдилар.

Дорилфунун маданият саройида бўлиб ўтган студент қурилиш ва қишлоқ хўжалик отрядларининг слётида улар ўтган йилги учинчи меҳнат семестри ғолиби деб топилдилар. Қишлоқ хўжалик отрядлари орасида эса пахта йиғим-теримида энг юксак самараларга эришган амалий математика ва механика факультети студентлари социалистик мусобақада пешқадамлик қилишгани эътироф этилди. Ғолибларга ректорат, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотининг кўчма Қизил байроқлари топширилди.

### ЯНГИ ТОПШИРИҚ

ЧИРЧИҚ. Яқинда А. Навоий номли кинотеатрда шаҳарнинг энг намунали темурчи отрядларининг анъанавий слёти бўлиб ўтди. Бу слёт болаларнинг севимли ёзувчиси А. Гайдар туғилган куннинг 80 йиллигига бағишланди. Унда шаҳардаги биринчи темурчилар ҳаракатининг қатнашчиси, ветеран педагог Ф. Г. Кренделева, Улуғ Ватан уруши иштирокчиси собиқ панфиловчи П. Д. Милешинлар иштирок этиб, болаларга ўзларининг жанговар ўтмишлари ҳақида мароқ билан сўзлаб бердилар.

Темурчи отрядлари янги топшириқ олдилар. Бу операция «Куни узайтирилган группалар — темурчилар оталиғида» деган шиор остида ўтади.

### ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

БЎКА. Район комсомол комитети ёш сайловчилар билан учрашув ўтказди. Учрашувда район халқ судьяси Т. Ҳайдаров совет сайлов системасининг афзалликлари, ўсмирларнинг Ватан, давлат олдидаги бурч ва масъулиятлари ҳақида сўзлаб, кўплаб саволларга жавоб берди. Қизиқарли учрашувда 400 дан ортиқ ёш сайловчи иштирок этди.

## КОММУНИСТЛАР БОШЧИЛИГИДА

КАРЛ МАРКС номли колхоз партия ташкилоти сайловолди оммавий-сиёсий ишларини намунали йўлга қўйиш юзасидан конкрет тадбирларни белгилаб олганига анча бўлди. 64/64-сайлов участкасига қарашли агитпункт бугунги кунда пропаганда ва агитация ишларининг чинакам марказига айланиб қолди. Ҳозир 60 дан зиёд агитатор, сиёсий ахборотчи ва «Билим» жамияти бошланғич ташкилотининг аъзолари ишдан бўш вақтларида колхоз фермасида, турли меҳнат коллективларида бўлишиб, сайловга оид суҳбат ва лекциялар уюштиришда актив қатнашмоқдалар. Жумладан, Титов номли 9-ўрта мактаб директори ўртоқ Т. Турғунбоевнинг КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленуми қарорларининг амалга оширилиши юзасидан ўтказган суҳбати, «Билим» жамияти бошланғич ташкилоти агитаторлари томонидан колхозчилар орасида ўқилган халқаро аҳволга доир лекциялар тингловчиларда қизиқиш уйғотди. Бунда Р. Раимқулова, У. Мўлдақулов, Н. Алиева, С. Эшмуродова, А. Файзибоев каби агитатор ва пропагандистларнинг ҳиссалари катта бўлди. Улар ёш сайловчилар ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришга, айниқса, алоҳида эътибор беришмоқда.

Колхозда сайловолди оммавий-сиёсий ишлари хўжалик ва корхоналар коллективларининг ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш вазифаларига узвий боғланган ҳолда олиб борилаётир.

**А. РАҲИМБЕРДИЕВ.**
**Бўстонлиқ райони.**







**Калинин районидаги 16/80-сайлов участкаси агитпункти аъзолари СССР Олий Советига сайловлар кунини пухта тайёргарлик билан кутиб олмоқдалар. Суратларда: сайлов участкаси комиссиясининг секретари Р. Қаюмов (ўнгдан биринчи) агитаторлар билан суҳбатда; (ўнгда) агитаторлар сайловчилар ҳузурига йўл олишмоқда.**

В. Портнов фотолари.

## УНУМДОРЛИК ОШМОҚДА

КЕРАМИКА комбинати Ангрендаги илғор корхоналардан ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, кенг кўламда реконструкция ишларини амалга ошириш, янги қувватларни фойдаланишга топшириш маҳсулот тайёрлаш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилашга ёрдам бермоқда. Социалистик мусобақани авж олдириш, барча ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг унда фаол қатнашишини таъминлаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ҳам коллектив ишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўтган хўжалик йилини меҳнатда катта ютуқлар билан якунлаган комбинат коллективи ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳам унумли ишламоқда. Йилнинг биринчи ойи плани барча асосий кўрсаткичлар бўйича тўла ва зиёдаси билан бажарилди. Норматив соф маҳсулот реализация қилиш топшириғи ошириб адо этилди. Ҳаммаси бўлиб 829 минг сўмлик турли-туман кошинкор сопол плиталари, кўплаб кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқарилди. Ойлик реализация планининг бажарилиши 102,5 процентни ташкил этди.

Корхона коллективи меҳнат унумдорлигини пландагига нисбатан I процент ошириш, маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процент камайтириш юзасидан зиммасига олган мажбуриятни ҳам шараф билан уддаламоқда. Айниқса меҳнат унумдорлиги кескин ортяпти. Январь ойи давомида ҳар бир ишловчи ҳисобига тайёрланган маҳсулот миқдори 674 сўмликни ташкил этди. Натижада меҳнат унумдорлиги белгиланганига нисбатан 5,5 процент ошди.

Комбинат ишчи-хизматчилари йилнинг дастлабки ойида эришилган бу зафарни янада мустаҳкамлаш учун шу кунларда ҳам зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Иш маромини кун сайин жадаллаштиришяпти. Натижада ҳар куни қўшимча минглarcha сўмлик маҳсулот тайёрланмоқда.

**М. МАҲМУДОВ.**

## *ЯХШИ БОШЛАШДИ*

Чирчиқдаги экспериментал асфальт-бетон заводи коллективи ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилида меҳнат унумдорлигини пландагидан ташқари 1 процент ошириш ва маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процент камайтириш юзасидан бошланган умумхалқ ватанпарварлик ҳаракатида фаол қатнашмоқда. Корхона ишчи-хизматчилари зиммаларига олган ана шу мажбуриятларни шараф билан уддалаш учун ички резервларни қидириб топиб, ишга солмоқдалар.

Унумли, сифатли ва тежамли ишлашда ишлаб чиқариш илғорлари кўпчиликка намуна бўлишяпти. Собир Аҳмедов раҳбарлигидаги арматурачилар бригадасининг иш кўрсаткичлари, айниқса, юқори бўлмоқда. Бригадада меҳнатнинг пухта ташкил этилиши, тежамкорлик учун курашнинг йўлга қўйилганлиги натижасида январь ойи топшириғи анча зиёдаси билан адо этилди. Улар қўшимча 12 куб метр темир-бетон буюмлари ишлаб чиқаришга ҳисса қўшдилар. Шунингдек, Қолдибой Бекбўтаев бошчилигидаги қолипловчилар бригадаси аъзолари ҳам самарали ишламоқдалар. Улар январь ойи топшириғини ошиғи билан адо этдилар.

Шундай илғорларнинг жонкуярлиги туфайли корхона бўйича ўн биринчи беш йиллик тўртинчи йилининг дастлабки ойи асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ортиғи билан адо этилди. Меҳнат унумдорлиги пландагига нисбатан бир процент ортди.

**А. ПОРТНОЙ.**

## ОМИЛКОРЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

### *БРИГАДА ПУДРАТИГА—КЕНГ ЙЎЛ*

УМУМАН бригада пудрати ва унинг прогрессив формаларидан бири ҳисобланган — оралиқ поток бригада пудратини ташвиқот қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Чунки бу усул ўзининг афзалликларини амалда ҳар соҳада намойиш қилмоқда. Саноатда ҳам, қурилишда ҳам, транспортда ҳам яхши натижа беряпти. Уни қўллаган коллективларнинг иш кўрсаткичлари юқори бўлмоқда.

Шуни айтиш кифояки, хўжалик ҳисоби шартномаси асосида ишлаётган қурилиш бригадаларида меҳнат унумдорлиги оддий бригадалардагига нисбатан 25—30 процент юқори бўлмоқда. Иш сифати ҳам яхшиланмоқда. Энг муҳими пудрат усули коллектив барча аъзоларининг куч-ғайратини ягона мақсад — унумли ва сифатли ишлашга йўналтираяпти.

Фикримизнинг далили сифатида областимиздаги қатор қишлоқ қурилиш ташкилотларидан ҳам мисоллар келтиришимиз мумкин.

Яқинда қишлоқ қурилиш министрлигининг 21-механизациялашган кўчма колоннаси коллективи Маҳаматали Жўраев раҳбарлигидаги хўжалик ҳисоби асосида ишлаётган комплекс бригада коллективини катта меҳнат ғалабаси билан қутлади. Улар уч қаватли йирик маъмурий-маиший корпусни бунёд этишда навбатдаги босқич ишларини муддатидан анча илгари бажардилар. Коллектив бино корпусини кўтариш учун бор-йўғи бир ярим ой сарфлади. Бу нормадагига нисбатан бир ярим баробар тездир. Ҳозир улар пардозлаш ишларини амалга оширмоқдалар. Бригаданинг ҳар бир аъзоси ҳисобига амалга оширилаётган иш ҳажми ойига бир ярим минг сўмликни ташкил этмоқда. Бу яхши кўрсаткичдир.

«Узсельсантехгазмонтаж» трестининг Карл Вагнер бошчилигидаги бригада аъзолари санитария техника асбоб-ускуналарини монтаж қилишда топшириқни 150 процентдан бажармоқда. Бригаданинг ҳар бир аъзоси ҳисобига бир сменада 35—40 погон метр сантехника системалари монтаж қилиняпти, норма бўйича у 26 метр бўлиши керак. Бригада аъзоларининг республика кўрик-конкурсида ғолиб чиққанлиги ҳам бежиз эмас.

Областимиздаги 23- ва «Ташоблсельстрой» қурилиш трестлари бўлинмаларида бригада пудратини жорий қилиш бўйича ҳам муайян ишлар олиб борилияпти. Лекин умуман олганда уни талаб даражасида деб бўлмайди. Кўпинча бу соҳада расмиятчиликка йўл қўйилаётганлиги кўзга ташланмоқда.

Масалан, 23-қурилиш трести бўйича берилган ҳисоботда 33 бригада коллективи пудрат асосида ишлаётганлиги қайд этилган. Агар трестда 100 дан ортиқ оддий ва ихтисослашган бригадалар борлигини ҳисобга олсак, бу жуда камдир. Лекин пудрат асосида ишлаётган ана шу коллективларнинг кўпчилиги ҳам унинг афзалликларидан фойдаланмаяптилар ёки фойдаланиш имконидан маҳрум бўлмоқдалар.

Трестда бригада пудрати ҳақида гап очилгудек бўлса дарҳол А. Ведель бошчилигидаги бригада коллективи ишини кўкларга кўтариб мақташади. Тўғри, бу бригада ўзининг меҳнатдаги ажойиб кўрсаткичлари билан ҳурматга сазовор бўлмоқда. Масалан, бу коллектив яқинда 16 квартирали уйни муддатидан икки ой илгари «яхши» баҳо билан фойдаланишга топширди. Лекин бошқаларчи? Пудрат шартномаси талабларига амал қилаётган бармоқ билан санарли бригадаларгина қурилиш суръатини тезлаштириш, таннархни камайтиришда муайян ютуқларга эришмоқдалар. Кўпчилик бригадалар эса ҳисобот учунгина янги усулда «ишламоқда».

Трестда 33 бригаданинг пудрат асосида ишлаши асосий иқтисодий кўрсаткичларга сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатиши керак эди. Аслида эса бундай бўлмаяпти. Умуман трест ва унинг кўпчилик механизациялашган кўчма колонналари меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича йиллик планни бажармади. Кўпчилик ташкилотларда иш ҳақи меҳнат унумдорлигига нисбатан илдам ортиб бормоқда. Оқибатда кўплаб зарар кўриляпти. Қурилиш сифати ҳам талаб даражасида бўлаётгани йўқ. Шунинг учун ҳам трест бўйича товар-қурилиш маҳсулотини фойдаланишга топшириш плани анчагина бажарилмай қолди.

Бундай нуқсонларнинг сабаби нимада? Аввало шуни айтиш керакки, хўжалик раҳбарлари, инженер-техник ходимлар, айниқса ўрта бўғин мутахассислари бригада пудратини қўлланишни ортиқча иш деб ҳисобламоқдалар. Улар эскича ишлашни ҳамон афзал кўришяпти. Бунинг оқибатида штурмчиликка йўл қўйилмоқда. Айрим қурилишда ҳаддан ташқари кўп, ҳатто керагидан ортиқча куч ва ресурсларни марказлаштириб, бошқа объектлар қурилишининг сусайишига йўл қўймоқдалар.

Бригада пудратини қўлланиш ҳар бир қурилиш майдонида тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, саранжом-саришталик ҳукм суришини тақозо этади. Чунки, шундай қилинмаса пудрат усулининг афзалликлари билинмай қолади. Бунинг устига бинокорлик материаллари, зарур асбоб-ускуналар билан таъмин этишни ҳам пухта йўлга қўйиш керак. Айрим ўрта бўғин раҳбар ходимлар ана шундан қочмоқдалар. Оқибатда ҳатто маъмурият билан бригада ўртасида тузилган шартнома ҳам кўпинча қоғозда қолиб кетмоқда. Унинг талабларига амал қилинмаяпти.

Маъмурият кўпинча пудратчи бригадаларни ҳам шартнома асосида барпо этаётган объектини тўла қўлдан чиқармасидан бошқа қурилишларга ўтказади. Бу билан бригада пудрати обрўсига путур етказилмоқда. Биргина ўтган йили пудратчи бригадаларни бир объектдан иккинчи объектга ўтказиш оқибатида хўжалик ҳисобидаги коллективларнинг ярмига яқини пудрат шартномаларини бажара олмадилар. Қурилиш ташкилотлари раҳбарлари эса бунинг сабабларини ишлаб чиқариш зарурати билан изоҳлашга уринадилар. Лекин бу аввало хўжасизликнинг кўринишларидан биридир. Чунки, бригада пудратини қўлланиш учун ҳар бир объектда инженерлик тайёргарлигини пухта йўлга қўйиш лозим. Шунингдек аввало бригаданинг йил давомида қайси объектларда қачон ишлаши, уларнинг йил давомида амалга оширадиган иш ҳажми ва объектлари аниқ кўрсатилиши керак. Ана шундагина пудратчи бригадалар у ёки бу объект қурилишини норматив муддатдагига нисбатан тезроқ тугаллаш, таннархини камайтириш имконига эга бўладилар.

23-қурилиш трести раҳбарлари бригада пудратини жорий этишдаги бундай расмиятчиликка тезроқ барҳам беришлари лозим. Чунки коллектив зиммасидаги бунёдкорлик ишларини муваффақиятли бажариш кўп жиҳатдан бригада пудратини кенг ёйишга, унинг афзалликларидан самарали фойдаланишга боғлиқ эканлигини таъкидлашнинг ҳожати ҳам бўлмаса керак.

Шу муносабат билан бир фикрни ўртага ташламоқчимиз. Одат бўйича юқори ташкилотлар кўпинча бригада пудрати бераётган самара ҳақида эмас, бу илғор усулнинг қўлланиш миқёслари ҳақида ҳисобот талаб этишади. Яъни, масаланинг миқдор томонига кўпроқ эътибор берилади. Бизнингча бу тўғри бўлмаса керак. Шунинг учун бригада пудратини қўлланиш бўйича ҳисобот бериш тартибини қайта кўриб чиқиш лозим. Чунки ҳозирги тартибдан ҳам иқтисодий, ҳам маънавий зарар кўрилмоқда, айрим раҳбарлар рақамларни пеш қилиб, пудрат усулини тартибсиз қўлланишга одатланиб қолишмоқда.

«Ташоблсельстрой» трестининг айрим қурилишларида шундай аҳволни кўриш мумкин. Бу трестда ҳам бригада пудратини жорий қилиш умуман дурустдай кўринади. Ҳозирги вақтда бу ерда 40 га яқин бригада пудрат асосида ишламоқда. Планда ҳам шунча бригада бўлиши назарда тутилган эди. Улар қурилиш-монтаж ишлари жами ҳажмининг 60 процентга яқинини амалга оширишяпти. Лекин бригада пудрати бу ерда ҳам лозим даражада самара бермаяпти. Бир мисол келтирмоқчимиз.

Трестнинг 5 та механизациялашган кўчма колоннаси ўтган йили 400 минг сўмликдан кўпроқ зарар келтирди. Тугалланмаган қурилиш ҳажми ҳам камаймаяпти. Қисқа қилиб айтганда, бригада пудратини қўлланишдан кутилган самара олинмаяпти. Меҳнат унумдорлигини ошириш, иш сифатини яхшилаш, қурилиш таннархини камайтиришга эришилмаяпти.

— Биз пудрат усули тарафдоримиз,— дейди «Ташоблсельстрой» трести 95-механизациялашган кўчма колоннаси бригадири П. Черенцов.— Бу усул давлатга ҳам, биз ишчилар учун ҳам фойдали. Лекин биргина истакнинг ўзи етарли эмас. Янгича ишлаш учун шароит, ишонч бўлиши керак, шартнома талабларига сўзсиз, ҳар томонлама амал қилиниши лозим. Шундагина бу усул самара беради. Тажриба шуни яққол кўрсатиб турибди.

Донгдор бинокорнинг ана шу сўзларига қўшимча қилишнинг ўрни бўлмаса керак. Бир сўз билан айтганда, барча қишлоқ қурилишларида ҳам бригада пудратини жорий қилишдаги расмиятчилик, масъулиятсизлик, хўжасизликка барҳам бериш лозим.

**И. АХМЕТОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз иқтисодий шарҳловчиси.**

